O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 15 FEVRAL ◆ PAYSHANBA ◆ № 21 (26.723)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 февраль куни Оқсаройда АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси бошқаруви раиси Роналд Кэмбри ҳамда мазкур компаниянинг президенти ва бош ижрочи директори Уэйн Мэрдини қабул қилди.

«Ньюмонт майнинг» олтин қазиш бўйича дунёдаги етакчи компаниялардан ҳисобланади. 1997 йилда «Санта Фе Пасифик Голд», 2000 йилда «Бетл Маунти» билан бирлашганидан кейин у энг йирик компанияга айланган. Ўтган йили «Ньюмонт майнинг» 4,9 миллион унция (152 тонна) олтин қазиб олиб, 1,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрди.

Ўзбекистонда мазкур компания билан ҳамкорликда тузилган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси яхши маълум. У 1995 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Галдаги режалар мазкур қўшма корхонани янада такомиллаштириш ва Ангренда янги лойиҳани амалга оширишдир. Янги лойиҳа учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредит ажратган.

Оқсаройдаги музокаралар чоғида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбстни ҳам қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ҳар томонлама ривожланиб бораётгани, бунда ўзаро мулоқотларнинг давомийлиги муҳимлигини таъкидлади.

Ж.Хёрбст Ўзбекистон Президентига Оқ уй раҳбари Жорж Бушнинг шахсий мактубини топширди. Мактубда АҚШнинг Ўзбекистон билан муносабатлари ривожланишда давом этаверишига ишонч билдирилиб, айни пайтда ўзаро муносабатларни янада юксалтириш учун имкониятлар кўплиги таъкидланади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

ПРОФЕССОР АҚШДА ИШЛАЙДИ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети физика факультети декани, профессор Абдувоҳид Жумабоев АҚШнинг Огайо университетида тўрт йил ишлайдиган бўлди. Унинг уммон ортидаги университетда бўлиб ўтган «Молекулалараро ўзаро таъсирини оптик усуллар билан ўрганиш»га бағишланган анжуманда қатнашганлиги ва илмий ҳамкорлик қилиш борасида шартнома тузганлиги бунга асос бўлди.

СамДУнинг физика факультетида олиб борилаётган илмий ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозир факультетда 16 нафар фан докторлари ва 40 нафардан зиёд фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда.

Уч нафар талаба Б. Остонов (АҚШ), М. Маликов (Англия), М. Қувватов (Германия)лар чет элларда таълим олишмоқда.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЁШЛАР ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРМИЗ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча корхона ва ташкилотларида, жумладан, Тошкент шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ҳам йиғилиш ўтказилиб, 7 кишидан иборат ташаббус гуруҳининг аъзолари тузилди. Уларга раҳбар этиб вақтли матбуот ва реклама маркази ходими, айни пайтда Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Беҳзод Адҳамов номзоди тасдиқланди. Йиғилишда «Шарқ»даги 200 дан ортиқ ёшлар ҳаёти, меҳнат фаолияти борасида тўхталиб, мамлакатимизда ёшлар аҳоли сонининг асосий қисмини ташкил этиши, шуни ҳисобга олган ҳолда, улар оёққа туриб олишлари учун ҳар томонлама ёрдам бериш зарурлиги таъкидланди.

■ **Моҳигул СУВОНОВА**

«ЖЕЙНОВ» ТАМҒАСИ БИЛАН

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» кооператив-ширкат хўжалигида Швейцария технологияси асосида Исроилнинг «Эйнаб» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган кичик сут заводи туманда ягона ҳисобланади. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳар қандай хориж маҳсулотлари билан рақобатлаша олади.

— Бир ойда 32 тонна сутни қайта ишлайдиган технологияни сотиб олишга 300 минг АҚШ доллари сарфланди, — дейди корхона ташаббускори Муродулло Саидов. — Бу ерда сариёғ, қаймоқ, сметана, пишлоқ, қатиқ каби 12 турдаги сут маҳсулотлари махсус идишларда ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Суратларда: лаборант Вазира Тўрақулова; оператор Илҳом Ғойипов иш устида.

■ Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган турли соҳалардаги ислоҳотлар ҳамда юртимизнинг араб давлатлари билан ҳар томонлама ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари Араб дунёси оммавий ва адабиёт воситалари диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бирлашган Араб Амирликларида нашр этиладиган «ал-Иттиҳод» газетасида Ливаннинг «Ориент пресс» ахборот агентлиги мухбирининг «Мисрда араб ва Африка халқлари учун қуёш печкаси қурилади» сарлавҳали мақола чоп этилди. Мақола Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятига бағишланган бўлиб, қуёш қувватидан фойдаланиш

ЎЗБЕКИСТОНнинг ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ

соҳаси ҳамда мамлакатимизда мазкур илмий йўналишнинг ривожланиши тарихи ва келажаги ҳақида батафсил маълумотлар берилади.

Жумладан, қуёш қувватини ўрганиш бўйича марказлар Америка, Испания, Исроил, Германия, Россия ва Швейцарияда мавжуд. Лекин дунёдаги энг катта қуёш печкалари эса Франция ва Ўзбекистондагина яратилган, деб эътироф этади газета.

Ўзбекистонда қурилган қуёш печкаси дунёдаги иккинчи энг йирик қуёш печкаси ҳисобланади. Ундан олинадиган энергия юқори технологиялар яратишда, ядро физикаси ва бошқа турли соҳаларда илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланилади.

Мақолада ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси олимлари собиқ советлар истибдодидан халос бўлгандан сўнг, ўтган ўн йил мобайнида юқори технологиялар соҳасида турли кашфиётларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, қуёш физикаси соҳасида эришган ютуқлари билан фахрлансалар арзийди. Тадқиқотлари натижаси дунё олимлари томонидан эътироф этилиб, араб давлатлари иқтисодиётига ҳам татбиқ этилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва Миср олимларининг икки томонлама илмий ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда жорий йилда Мисрга мамлакатимизда қурилган қуёш печкасини олиб келиб ўрнатиш ҳақида имзоланган битимнинг аҳамияти, истиқболлари мақолада алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонлик олимларнинг Мисрда қуёш печкасини яратишдаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, ушбу лойиҳа нафақат Мисрнинг, балки бутун араб ва Африка давлатлари илм-фани ривожида муҳим бурилиш бўлади, деб таъкидланади.

■ **«Жаҳон» АА**

ҲУРРИЯТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ШАХС МУСТАҚИЛЛИГИ

Мустақил давлатда шахснинг шаклланиши, инсон мустақиллигининг таъминланиши жуда муҳим ҳодиса. Айтиш жоизки, инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи шу мақом билан белгиланади. Дунёда инсон деган тушунча барча буюк китоблар ва фалсафаларнинг негизида ўзликни таниш даражаси билан ифода этилган. Яъни, ўзини таниган одам мен инсонман, деб яшашга ҳақли. Мен инсонман дейиш учун эса ҳар ким камолотнинг юксак пилла-пояларини босиб ўтиши керак. Ҳу-у-у-в, олис замонларнинг мақоматлари, тасаввуф уммонидан ақл жавоҳирларини, ҳикмат дурдоналарини излаб кўрсак, инсоннинг мукаммаллик сари юз тутувининг илдизи Шарқда эканлигини билиб оламиз. Демак, тафаккур дарахтининг илдизи Шарқда. Қадим-қадим даврлардан бери кўҳна Шарқ «фозил инсонлар шаҳри»ни қўмсаб, руҳий кўтарилиш сари инсоннинг муяссар бўлишини истаб келди. Бугун, бизнинг тилимиз билан айтганда, бунинг ҳаммаси шахс мустақиллигини англатади. Агар одам боласи шахс даражасига етмаса, у мустақилликнинг ҳам, келажакнинг ҳам, ўтмишнинг ҳам, бугуннинг ҳам туб моҳиятини тўлиқ англай олмайди. Шахсликка даъвогарлик ботинан ёруғлик сари юз буришдир. Шахс емирилмайди. Шахс сотилмайди. Шахс ўз эътиқодида мустаҳкам туради. Шахс алданмайди. Шахс Ватан деган тушунчани қалбида олиб юради — жони кетса кетади, шахснинг ватани қўлдан кетмайди. Бизнинг тараққий этган асримизда, инсон тафаккури фан уфқларини ишғол қилиб, ўсиш мезонининг барча жиловларини қўлга киритган маҳалда инсон шахс сифатида бўй кўрсатиши, очилғини айтганда, сайёрамиз қисмати, башарият тақдирига дахлдорлик туйғуси билан уйғунлашиб кетади.

Реал ҳаётдан келиб чиқиб фикрлайлик. Ҳар қандай мамлакатда давлат мустақиллиги шахс мустақиллиги билан белгиланади. Хўш, шахс мустақиллигини қандай шакллантириш мумкин? Уни қачон, қаерда, кимдан, нимадан бошлаш керак? Бугун мамлакатимиз тараққиёти, эртамиз, келажагимиз ёш авлод қўлида эканлигини муҳтарам Юртбошимиз бекорга бот-бот таъкидлаб ўтмаяптилар. Дунё тарихига назар соладиган бўлсак, ҳар қандай ўтиш даврида, ўнгланиш палласида, жаҳоний ўзгаришлар арафасида ҳар қайси мамлакат ривожланишининг бош мезони келажак авлод тарбияси, келажак авлод бутлиги билан ўлчанганини кўрамиз. Дунёнинг манаман деган давлат арбоблари, сиёсатдонлари шу йўлни тутиб тўғри қилишган. XXI асрнинг энг етук, фикри теран, ватанпарвар, жаҳон тан олган давлат арбобларидан бири Ислом Каримов олиб бораётган сиёсатнинг туб моҳиятида тинчлик, барқарорлик, эртанги кунни бугундан тасаввур қилиш ва келажак олдида масъулликни оширишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш кўзга ташланади. Бу айни прогрессив йўлдир. Бу ғоя бугун Ер юзи бўйлаб ақл кўзи очиқ давлат раҳбарлари қалбида, онгида, шуурида илдиз отгандир.

Бизнинг давлатимиз жаҳоний ўзгаришлар силсиласида етилиб, шаклланиб бораётганининг сабаби ҳам шундан.

Узоққа борманг, тараққий этган давлатларнинг яқин тарихидаги иқтисодий улғайишлар сабаби, энг аввало, изчил сиёсат, ёшлар онгини ўстириш, келажак учун ғамхўрлик қилиш, ёшлар қалбида ҳаётга эркин, ҳур муносабатда бўлиш туйғуларини уйғотиш, ўзини ўзи мустақил идора қилиш тушунчаларига катта эътибор берганлигидадир. Шу боиски, бу давлатларнинг келажак хусусида қайғуриши Ватан қисмати деб эътироф этилди. Дунёвий сиёсатни пухта ва мукаммал эгаллаган, миллий менталитетимиз, урф-одатларимиз, қадим маънавиятимиз булоқлари, теран томирларимизни чуқур тушунган давлатимиз раҳбари бугун ёшларда мустақил фикрлаш, мустақил ишлаш, борлиқ билан мустақил муносабатга киришиш ғояларини илгари сурмоқдалар. Демак, XXI аср бошида Президент ҳис қилган ва илгари сурган бу йўналиш миллат ва Ватан тақдири билан чамбарчасдир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқларида Миллатимиз Сардори асосий ғояни ёшларнинг ҳаётга нисбатан мустақил ва онгли равишда муносабатга киришувида деб белгилади. Агарки, ёшлар қалбида шижоат, ўз сўзига ўзи жавоб беришлик фазилати, дунёни кенг илмий қамров билан кўриш хислати етишмас экан, албатта, жамиятда илдизи чуқур кетмаган ва ҳар қандай тўфонларга бардош беролмайдиган ниҳоллар ўсаяпти, деб қарамоғимиз керак.

Бугун ҳар биримизнинг олдимизда битта масала кўндаланг. Ёшларимизнинг бошини бир жойга қовуштирадиган ижтимоий ҳаракатнинг аниқ вазифалари нималардан иборат бўлиши керак? Бунинг ўзига хос қиёфаси ва фаолияти хусусида қандай тасаввурдамиз? Табиийки, бу ижтимоий ҳаракат жамиятнинг энг соғлом, энг фидойи ва ҳаракатчан бўғини бўлиб қолади. Бунинг учун энг аввало Президентимиз таъкидлаганларидек, мактаб партасиданоқ табиий етакчиларни аниқлашимиз ва уларни энг тўғри ва ҳалол йўлга бошқара билишимиз керак.

Лидерлик бугун дунё атамасида бор сўз. Ҳамма ҳам табиий етакчи, яъни лидер бўлиб туғилмайди. Биз жамиятимизнинг тоза гуллари, гулғунчалари саналмиш нурдай тоза ва беғубор фарзандларимиз қалбига бугуннинг моҳиятини, эртанинг ифодасини тўғри сингдира билсак ютқазмаймиз. Америкада ёш болакай қўлига китоб олганини унинг компьютерни билмаслиги эмас, балки тараққиётга, инсон онгида эзгуликнинг бўй кўрсатишига хайрихоҳлиги белгиси деб қаралади бугун. Демак, энг аввало ёш табиий етакчиларимиз қалбида илмга, маънавиятга нисбатан чанқоқлик бўлиши керак. Синфда муштумзўрлик билан ғолибликни даъво қилган бола етакчи эмас, аксинча, фикри теран, шу билан биргаликда шижоати чақмоқдай ёритувчи болакай етакчидир. Бир мактабда 10-15 етакчи етилиши табиий. Ана шу етакчиларни ёшлар ижтимоий гуруҳи аъзолари туманлар, мактаблар, вилоятлар миқёсида аниқлаб, ўз ҳаракатига қўшса ва уларга лидерлик ишониб топширилса, соғлом фикр, тафаккур билан ёшлар бир-бирига елкадош бўлади.

Бугун ёшларнинг ижтимоий ҳаракати кенг қулоч олиши учун баъзи нарса четга чиқиб қолганлигини айтишимиз керак. Бу мактабларда, боғчаларда, олий ўқув юртларида ёшларнинг нашрлари кенг кўламда тарқалмаётганидир. Мактабларимизга битта-иккитадан пиёзнинг пўстиданам юпқа болалар журналлари, капалак қанот газеталар бориб-бормаяпти. Бир мактабда нечта ўқувчи ўқийди? Бир туманда-чи? Тасаввур қилинг, бола ўзининг нашрини ўқимаса, жамиятдаги ўзгаришлар ҳақида бола тилида ёзилган асарлардан, мақолалардан бехабар бўлса, бундай болани кўзи очиқ деб бўладими? Чунки, болаларимизнинг онгидаги бўшлиқ ўқимаслик асоратидир, ўқимаслик касаллигидир. Ахир, озод ва ҳур мамлакатимизнинг бугунги истиқлоли хусусида ёшларимизга бирор-бир сўз айтаман десак ва уларга бу сўзни айтиш учун қулай минбар бўлган болаларимиз нашрлари йўқ ҳисобида кун кўрса, буни нима деб тушунмоқ мумкин? Кўра-била туриб, ўз ўғил-қизларимизни билимсизлик чоҳи сари кетаётганига қандай чидашимиз керак? Тўғри, нашрларнинг иқтисодий аҳволи ҳозир оғир. Биз иқтисодий ўнгланиш давридамиз, лекин аниқ-тиниқ қилиб айтганда баъзи бир вазирликлар, катта-катта компаниялар ва корпорациялар имконияти даражасида болалар нашрларига ҳомийлик қилмас экан, биз ўз-ўзидан битта жойда депсиниб тураверамиз. Бой-бадавлат ташкилотлар вилоятлар ва туманларда ҳам бор. Улар керак бўлса, ўша жойлардаги аҳволдан келиб чиқиб бу масала билан шуғулланиши, ҳомийликни қўлга олишлари керак деб ўйлаймиз. Йўқса, болаларимиз турли хил фильмлар ва енгил-елпи кўрсатувларнинг қулига айланиб қолади. Жамиятнинг сўзини болага етказиб беролмаслик — кечирилмас ҳол.

Яна бир масала: ватан ҳимояси муқаддас. Лекин Ватанни кимлар ҳимоя қилади — соғлом ва бақувват фарзандлар! Гоҳида аскарлар орасида ночор ва заиф йигитларимизнинг бўлиши, уйга қайтишни санаб кун ўтказадиганларнинг учраши, яъни йигитлик бурчини кўнгилдагидай ўтай олмаётган аскарларнинг учраб туриши салбий ҳол. Ўнта қувватсиз аскардан битта соғлом, бақувват профессионал йигит аъло. Гоҳида муқобил хизматни ўтаётган тўрт мучаси соғ йигитларни кўриб ўйлаб қоламан. Ватанга ватанни ҳимоя қиламан дейдиган, буни эплай оладиган аскарлар керак. Ўзбек армияси ҳар томонлама чиниққан, онги тоза, фикри ўткир, қарашлари чақмоқ, бургутмонанд аскарлар билан қудрат, куч-қувватга тўлади. Армияни ҳам, ўзини ҳам овора қилиб, турли хил баҳоналар билан ҳарбий хизматдан бўйин товлаш йўлларини ахтаргувчиларга нисбатан жиддий муносабатда бўлишимиз лозим.

Тузилажак ёшларнинг ижтимоий ҳаракатига уч нарсани муҳим деб ҳисоблайман: биринчиси, юқорида айтганим — шахс мустақиллигини камол топтириш, иккинчиси, ёшлар маънавиятида муҳим ўрин тутажак нашрларни қўпайтириш, учинчиси, Ватан ҳимоясига зийрак ва соғлом аскарларни жалб этиш масаласи.

Бизнинг қалбимизда ишонч оловини ёқадиган, фахр-ифтихор дарёси билан лиммолим этадиган, қарашларимизга тетиклик бергувчи бир тушунча бор. Бу тушунча ҳар қайсимизнинг юрак-юрагимизда ўрнашиб бўлди. Ва ҳаётий ҳодиса сифатида замондошларимиз кўз ўнгида бўй кўрсатмоқда. Яъни, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деган даъваткор ишонч. Бу ишончнинг замирида имконият билан боғлиқ моҳият ётибди, десам хато бўлмас. Ҳам иқтисодий, ҳам маърифий жиҳатдан куч-қувватга тўлиб, сиёсат оламида инсонпарварлик ғояларини бошга тож қилган давлатнинг имконияти хусусида бугун дунё ҳеч иккиланмасдан гапирмоқда. Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати, деган ифтихор ҳам бугун ҳаётий воқеликка айланди. Ҳар бир сўзимиз, ҳар бир ҳаракатимиз ҳаётийлик билан мустаҳкамланмоқда. Шу ўринда бир гап айтай — Ўзбекистон буюк имкониятлар мамлакати экан, бу имкониятнинг асоси давлат ва халқдир. Халқ нимага таянади? У биринчи галда ўз сафидаги, бағридаги кучлар, айтиш жоизки, ёш авлодига таянади. Ёш авлоднинг кучи — идрокда, фикрда, тафаккурда. Бу тафаккур ҳеч қачон занжирбанд бўлиши, тушовланиши мумкин эмас. Демак, тафаккур мустақил ёшларнинг шахс мустақиллиги сари юзланиши учун мустаҳкам заминдир. Бу заминнинг илдизи ёшлик онги-шуурига доимо куч-қувват бағишлайди. Мустақил шахслар эса жамиятда шахс мустақиллиги пайдо бўлишида ўта муҳим аҳамият касб этадилар.

Шахс мустақиллиги — жамият камолоти белгиси. Ўйлайманки, ҳар бир фуқаро ўзида шахс бўлишга даъвогарлик сезса, юртда ҳам, жамиятда ҳам улғайиш, юксалиш сезилади.

■ **Азим СУЮН**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЛАФЗСИЗЛИК»

Тошкент вилояти ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йил 2 декабрь сонида босилган «Лафзсизлик» сарлавҳали мақолани Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги билан атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни хабар қилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 мартдаги 82-сонли, бозорлар тизимини такомиллаштириш масалаларига доир қарорига биноан Ўрта Чирчиқ тумани аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида Тўйтепа шаҳридаги кичик бозор ҳашар йўли билан 25,0 млн. сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланиб, қайта қурилди.

Қайта қуриш чоғида бозор худудидаги, ҳужжатсиз қурилган ва кейин хусусийлаштириб олинган савдо дўконлари ҳам бузилган. Дўкон эгалари бузилган иморатлар материалларини йиғиштириб олганлар. Янги ер участкалари бозор худудининг шарқий томонидан ажратиб бериш режалаштирилган.

Бузилган дўконлар учун қонун асосида ҳақ тўлаш туман «Деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамиятига юклатилган. Эгамбердиев Эргашга бузилган 108,0 кв. метр дўкони учун 110,0 кв. метр ер ажратилган ва дўкон ҳақи тўланган. Қолган дўконлар учун ер участкасини 2001 йилнинг биринчи чораги давомида ажратиш режалаштирилган.

Мақолада кўрсатилган ҳолатларни бартараф этиш ишлари вилоят ҳокимлигининг назоратига олинди.

■ **Ҳокимнинг биринчи ўринбосари Х. АСАТОВ**

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ҚОНУНЛАР КАЛИТИ

уни барча фуқаролар билиши керак

Бугун у ким бўлмасин — хоҳ мансабдор, хоҳ оддий деҳқон ўзининг конституциявий кафолатларини бирдек билиши, ўрганиши, ҳимоя қилиши лозим. Дарвоқе, ҳуқуқий демократик жамиятнинг мезони ҳам ҳар ким қонун билан ҳимоялана олиши ва лозим ҳолатда, қонунни ҳимоя қила билиши билан ўлчанади. Мустақил Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқаро эса ўзини шу жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисоблайди ва аслида ҳам шундай.

Хўш, ривожланган мамлакатлар қаторига кириб бориш, адолатли демократик жамиятни барпо этишнинг асосий шарти нима? Лўнда жавоб шу: қонунга итоат қилиб яшаш.

Демак, адолатли ҳаёт кечиришнинг бирламчи шарти қонунларга риоя қилиш экан. Бизда эса асосий Қонун — бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Ҳар бир шахснинг кимлигини паспортига қараб аниқлаш мумкин бўлса, ўша жамиятнинг тузилиши, салоҳияти, мақсад ва вазифаларини Конституциядан билиб олиш мумкин. Энди бир савол: барча ҳуқуқ ва эркинликлар бўйича бошқалардан кам бўлмаган бир пайтда Конституциямизни яхши билмасликка ҳаққимиз борми? Жавоб аниқ: асосий қонунни билиш — ҳар бир ўзбекистонлик фуқаронинг маънавий ва ҳаётий эҳтиёжи бўлиши шарт. Шу жамиятда нафас олиб, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, Бош қомусни билмаслик мумкин эмас.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январда имзолаган Фармойишларида Асосий Қонунимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ҳамда моҳиятини ўрганиш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Конституция кенг маънода жамият табиатини ифодалар экан, унда ортиқча икир-чикирларга ҳожат йўқ. Ундаги расмий, жаҳоний андозалар шакл-шамойилларида битилган ибораларни чин кўнгилдан ва юракдан англаш учун ҳамма ҳуқуқшунос, олим ёки лоақал зиёли бўлиши шарт эмаслигини барча тушуниб олиши лозим.

Фармойишда қўйилган вазифа шундан иборатки, таълимнинг барча шаклларини жорий этиш орқали болалар ва ўқувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш, тарғибот ва ташвиқотларнинг таъсирчан воситаларини ишга солиб, Конституция мазмун-моҳиятини кенг омма онгига сингдириш зарур.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан боғлиқ тушунчалар. Ҳуқуқий маданият — жамият иқлимидир. Агар жамиятда ҳар бир фуқаро ҳуқуққа, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлса, ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлигини тан олса, шу давлатда тартиб ўрнатилади. Ва аксинча, ҳуқуқ меъёрларига ҳурматсизларча муносабат қонунсизликка, жамият турмуш меъёрининг бузилишига, жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий маданият ҳар бир фуқародан Конституция меъёрларини яхши билиш ва уларга риоя қилишни тақозо қилади.

2001 йил Президентимиз томонидан «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан республикамиз Конституциясида аёллар ҳуқуқи қандай кафолатланганлиги тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб, аҳолининг ярмидан кўпини ташкил қилган хотин-қизларнинг мавқеини кўтаришга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширила бошланди. Чунки, Президентимиз айтганидек, ҳар бир жамоани, ҳар қайси жамиятни, ҳар қандай муҳитни, аввалambор аёлларимиз обод этади.

Ҳар бир давлат ва жамиятнинг қиёфаси, унинг салоҳияти хотин-қизларга нисбатан муносабатларда билинади.

Аёлнинг оиладаги энг масъулиятли вазифаси — оила тарбияси ёки бола тарбиясига доир ҳуқуқ ва бурчларидир. Бола тарбияси нафақат болаларни моддий таъминлашдан, шунинг билан бирга уларни ўз Ватанига садоқат, меҳнатга онгли муносабат, умуминсоний қадриятларга ва миллий урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат.

Оилада бола тарбиясини ижтимоий тарбия билан қўшиб олиб бориш соҳасидаги асосий вазифа Конституциядан келиб чиқади.

«Давлат ва жамият, — дейилади Конституциянинг 64-моддасида, — етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради».

Ўзбекистон фуқаролари бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишлари, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга нисбатан муросасиз бўлишлари ва қонун устуворлигига бутун чоралар билан кўмаклашишлари зарур. Бу борада кузатувчи бўлиш ярамайди. Конституцияда белгиланган тартибга зид иш тутишга қарши курашиш жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси учун ор-номус ва виждон иши бўлган тақдирдагина кутилган ижобий натижаларга эришилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари умумжаҳон Декларациясидаги барча муҳим қоидалар: инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ҳуқуқини ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон Конституцияси буюк давлат қуриш йўлида ҳаммамиз учун илҳомбахш омилдир. Конституцияни бутун мамлакат аҳли, ким бўлишидан қатъи назар, яхши билиши ва юракдан англаши керак, чунки Конституция ўзлигимизни англаш демакдир.

■ **Шавкат УМИРОВ, Ўзбекистон Транспорт прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**

ХДП ХАБАРИ

БАҲСЛАР ҚИЗИҚАРЛИ БЎЛДИ

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан Ўзбекистон ХДП Урганч шаҳар кенгаши «Темуршо» фирмаси соврини учун стол тенниси бўйича ёшлар ўртасида вилоят очиқ биринчилиги ўтказди.

Икки кун давом этган қизғин баҳсларда Урганч шаҳрининг иккинчи жамоаси соврин эгаси бўлди.

1984-87 йилда туғилганлар ўртасида Озода Шерова, Даврон Исмоиловлар, 1988-92 йилларда туғилганлар ўртасидаги баҳсларда Матёқуб Мадримов, Рустам Оллабергановлар фахрли ўринларни эгаллаб, совринни қўлга киритдилар.

Очиқ биринчиликда Туркманистон Республикаси Тошҳовуз шаҳри жамоаси ҳам иштирок этиб, беллашувлар янада қизғин ўтишига ҳисса қўшишди.

Ғолибларга махсус совринлар, дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширилди.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**

МУЛКДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Республика кўчмас мулк биржаси Навоий филиали томонидан бозор иқтисодиётини шакллантириш ва кўчмас мулклар бозорини ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги «Хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва 2000-2001 йилларда давлат мулкини сотишда бюджетга тушадиган маблағларни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига таянган ҳолда, вилоят ҳудудида 122 марта кўчмас мулк савдолари ўтказилди. Шуларнинг 41 таси кимошди, 81 таси биржа савдоларини ташкил этди. Кимошди савдосида 453, биржа савдосида 468 та мулклар сотилди.

2000 йилда кўчмас мулк объекти ва бошқа мулкларни сотиш бўйича пул ҳажми режаси 182422,27 минг сўм эди. Амалда 411344,25 минг сўмга адо этилди, яъни режа 225 фоиз қилиб уддаланди.

— Дарвоқе, режаларнинг ортиғи билан бажарилишида вилоятдаги «Дўстлик байроғи», «Знамя дружба» газеталари ҳамда радио ва телевидение орқали берилган реклама ва эълонларнинг самараси яққол кўринди, — дейди кўчмас мулк биржаси директори Ф. Мирзаев.

Вилоятдаги ишбилармон ва тадбиркорлар орқали давлат мулкларини сотиш 78884,9 минг сўмга, яъни 125 фоизга бажарилди. Бу вилоятда мулк бозори ривожланиб бораётганидан далолатдир. Аҳоли ўртасида қизиқиш уйғотаётган уй-жой қуриш учун ер майдонларини сотиш бўйича ҳам режа 183 фоизга бажарилганлиги қувонарли.

Шунингдек, вилоят хўжалик суди томонидан тақдим этилган мол-мулклар сотилишининг пул тушуми бўйича ҳам 73052,0 минг сўмлик кўрсаткичга эришилди. Давлат солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган мол-мулкларнинг сотилиши эса 2484,0 минг сўм ўрнига 25379,0 минг сўмга уддаланди.

Аммо иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси томонидан тақдим этилган мол-мулклар сотилишида режа бажарилмай қолганлигининг сабаби «банкрот» деб эътироф этилган мулкларнинг айримлари фақатгина қоғозда мавжудлиги ва асосий воситалар ҳамда мулкларнинг йўқлиги туфайлидир. Бундан ташқари, иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳузурида хўжалик ҳисобидаги корхоналар очилиб, давлат улуши бўлмаган мулкларни ўзлари тўғридан-тўғри сотиб юбораётганлиги ҳам ўринли эмас. Шунингдек, вилоят хўжалик суди томонидан тақдим этилаётган мулклар бугунги кун бозор талабларига жавоб беролмаётгани ҳам сир эмас.

Масалан, автотранспорт воситаларининг яроқсиз ҳолга келиб қолишига мулк эгаларининг бозор шароитида саводсизлиги сабаб бўлмаяптимикин? Ташкилот ёки корхона раҳбарлари эҳтиёт қисмлар талон-торож қилинмаслигининг чорасини кўришса фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Аминмизки, келгусида ҳам Навоий кўчмас мулк биржаси кўчмас мулк бозорини янада ривожлантириш учун барча имкониятларни ишга солиш чорасини кўраверади.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**



Бешариқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида «Она-бола» сиҳатгоҳи бунёд этилмоқда. «Қўқонагроқурилиш» трести жамоаси ушбу хайрли ишга бош-қош бўлмоқда. Барпо этилаётган бинода асосан ошқозон ва буйрак касалликлари билан оғриган беморларни шифобахш сувлар ёрдамида даволаш кўзда тутилган.

Суратларда: сиҳатгоҳнинг умумий кўриниши; қурувчи Усмон Қодиров иш устида.

■ **Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

ДАРҒА

Ғиждувон туманидаги С. Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳазрат Облоқулов портретига чизгилар

Тодон қишлоғида яна дилбар тонг отмоқда. Қушлар қор қўнган бутоқларда хониш қилади. Етмиш беш ёшли Ҳазрат ота ҳаракатидан қўйлар емишга умид боғлашгандек бесаранжом. Ҳокима момо чолига чой дамламоқда. Невaралари ҳам бирин-кетин кўзларини ишқалаб, ўчоқ бошига келишяпти. Уларни бир ерга тўпласа борми, бир ҳовли тўлади: 56 нафар, барака топишсин, от ўрнини той босади-да! Кеча улар ҳам...

Ота кампирининг ҳай-ҳайлашига қарамай яна даласига отланди. Ҳар тонг шундай аҳвол — яёв юришни, ўзидек саховатли далаларда айланишни канда қилмайди. Бундан ўттиз икки йил муқаддам ўз қўли билан ўтқазган ўн тўртта азим чинор ҳолидан хабар олади. Ғадир-будир тўнли бу чинорлар сарҳовузга соя ташлаб туради. Ота бошлиқ 6-бригада аъзолари ҳавонинг ҳароратли кунларида ана шу азим чинорлар остидаги сўриларда ором олишади.

— Ассалому алайкум, азизларим. Омонмисизлар, мени соғиндингизми?

Ота чинорларга боқади, улар қаригани йўқ, одамлар хизматида. Умрининг ўтган яхши онлари, изтиробли дамларига шу чинорлар гувоҳлик беради. Ота мустақиллик байрами арафасидаги ҳаяжонли дамларини эслади. Ўшанда август ойи эди. Шийпондаги сўрида ўтирганида Шавкатжон келиб қолди. Ҳа, айтгандек, у Ҳазрат отанинг ўнг қўли— эскича қилиб айтганда табелчи. Отанинг бароқ қошлари чимирилганини сезган Шавкатжон Олимов чолга бир пиёла чой узатаркан, ҳайрон боқди.

— Шийпондаги телефон ишламай қолибдими?

«Эҳ, аттанг, кеча бу ҳақда танбеҳ олувдим. Бунинг устига кўнглим қувончли хабарни кутгандек, чол телефонни суриштирди-я». Шавкатжон хижолат бўлиб, кўнглидан шу ўй кечди.

Буни қарангки, ҳаш-паш дегунча сарҳовуз атрофи одамга тўлди-қолди. Вилоят ҳокими бошлиқ туман фаоллари Ҳазрат Облоқуловни юксак мукофот билан кутлашга келишди. Ҳа, Ҳазрат ота мустақиллик йилларида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган бухороликларнинг учинчиси. Ўзбекчиликда яхши одат бор. Қўй сўйиш, дастурхон ёзиш, табриклар, кутловлар. Отахоннинг қизарган кўзларига қувонч ёшлари қалкди: «Мустақилликдан ўргилай, қадрни жойига қўйган Юртбошимиз омон бўлсин! Бригадаси, жамоаси, хонадони обод, тани соғ бўлсин.

Яратганга шукр, шу кунларга етказганига қуллуқ!»

Ҳазрат ота қарийб олтмиш йилдан буён ер билан тиллашади. Уруш ва урушдан кейинги йиллар азобини, қаҳатчилик ва қимматчилик хуружларини кўрган инсон бахтини ҳалол меҳнатдан излади. Ризқ-рўз ерда яралади, уни қадоқ қўлли деҳқон вужудга келтиради. Шу боис табаррук она-Ер қаримайди, аксинча инсон меҳнатидан ёшаради. Ер — деҳқон мулки! Отанинг фалсафаси бу. Бундан чекинмайди. Мана, бугун у ана шу ер донишманди сифатида олқишланяпти.

— Биз Ҳазрат Облоқуловни устоз деб тан олганмиз, — дейди хўжалик ҳосилоти Нурмат Ҳотамов. — У киши пахта устаси сифатида ўзига хос тажриба мактаби яратган. Бир қарич бўш ерни кўрса — тутоқади. Қаттиққўлликларини айтмасам ҳам бўлади. Беҳудага меҳнат сарфламайди.

Ҳа, отахон 44 йилдан буён бригадир. Мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Тодон қишлоғидаги ёш-қари ҳаммасини танийди, уларни назардан қочирмайди. Бекорчини кўрса, улар билан алоҳида гаплашади. Бирон ўсимлик, дов-дарахтга зиён етказилганини сезса борми, таъзирини бермаса, аламидан чиқмайди. У қишлоқнинг оқсоқоли, ёшлар мураббийси.

— Бирор йил йўққи, отахон бошлиқ жамоа шартнома режасини бажармаган бўлса, — дейди ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Тоҳир Ҳасанов, — ҳамиша туманда ҳам, вилоятда ҳам биринчи. Бултур 60 центнердан ошириб пахта ҳосили етиштирди. Бунинг эвазига 15,4 миллион сўм даромад қилди. Биз у кишидан тежамкорликни ўргансак арзийди. Бултур пахта ва дон етиштиришга кетадиган сарф-харажатдан эса 608 минг сўм иқтисод қилингани фикримизнинг исботидир.

Ҳаёт — умр тимсоли, дейдилар. Нур, ҳаракат ва ҳамжиҳатлик унинг асоси. Бу кўпинча бободеҳқонга хос. Ҳазрат ота ҳаётни ўта қадрлайди. Сабаби аён — бекорчи вақт бўлмасин, дунёга келдингми, сендан яхши излар қолсин. Кўплар Ҳазрат ота ёшида ҳассага суяниб қолган, баъзилар бозорда, баъзилар гузардаги чойхонада. Аммо, қаҳрамонимиз хўжалик ширкат усулида иш юритаётган бир паллада 109 кишининг бошини қовуштириб, 73 гектар ердан 65 центнер ҳосил олишга интилди. Ёшларни Ватанни севишга, уни қўриқлаш ва обод этишга ундаётганининг ўзи мардлик эмасми?! Ўз ҳаловатидан кечиб, даласини уйим, пахтасини фарзандим деб билаётгани-чи?! Бунинг устига 12 та ўғил-қизни вояга етказиб, эл ишига камарбаста қилгани отахонга руҳий мадад бермайдими?! Атрофидаги яхши одамлар кўмаги, ширин сўзлари отани янада ёшартираётган бўлса ажабмас.

Ҳа, мустақилликнинг ўн йиллигини нишонлашга ҳозирланаётган Ўзбекистонимизда амалга ошириладиган хайрли ишлар жуда кўп. Халқимизнинг толмас дарғалари бор экан бахт, иқбол ўлкаси — Ўзбекистонимиз нурли келажак сари дадил интилаверади. Илоҳо, юртимизга, унинг фидойи инсонларига кўз тегмасин!

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХАТЛАР, ХАТЛАР, ХАТЛАР...

ЗАРАБОҒ обод бўлармиш...

«Қачон?» дейсизми, буниси энди вилоят ва туман ҳокимлигидаги мутасаддилар куюнчаклигига боғлиқ

Ҳурматли таҳририят! Сурхондарё вилоят марказига яқин жойлашган бизнинг «Зарабоғ» қишлоғимизда шароит яхши бўлганда мен сизларга мактуб йўлламаган бўлардим. Ҳамқишлоқларим дардини мухтасар айтадиган бўлсам, аввало шуни қайд этишим керакки, беш минг кишилик аҳоли истиқомат қиладиган қишлоғимизда бирорта ҳам ишлаб чиқариш корхонаси йўқ. Тўғри, шифокорлик амбулаторияси, мактаб, халқ банки тармоғи, алоқа бўлими мавжуд. Аммо улар зўр ишламоқда дея олмайман. Тўртта чоғроқ дўконлардан фақат биттаси мол келганда эшик очади. Зарурат юзага келганда тиббий «тез ёрдам»га шундай муҳтожлик сезамизки, асти қўяверинг. На газ бор, на ичимлик суви. 50 километрга тортилган қувур мана ўн йилдан ошдики, сувсиз занглаб ётибди. 1993 йили қурилиши бошланган мактаб ҳамон чала. Маданий-маиший хизматлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади. Қишлоғимиз ёшу кексаси эса қачон биз томонларга Шеробод туман ҳокимлигидан назар солинади-ю, аҳволимизни тушуниб шароитлар яхшиланади, иш ўринлари кўпаяди, деб кутиб ётибдилар.

■ **Бир гуруҳ қишлоқ фуқаролари номидан Аҳмад РАҲМАТОВ**

ИСЛОҲОТ ВА ТИББИЁТ

ДОРИХОНАЧИ ТИЖОРАТЧИ ЭМАС

— дейди Қашқадарё вилоят «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамияти раиси Очил Халилов

— Янги аср билан юзлаша туриб кўнглингиздан нималар кечди?

— Ортда қолган асрнинг энг сўнгги ўн йиллигини ҳеч унутиб бўлмайди. Ватанимизнинг истиқлолга эришган муаззам куни ва умуман барча жабҳалардаги ютуқлар асрга татийди. Истагим, тобора ривожланиш бўлсин. Муваффақият ва ютуқлар ҳаётимиз мезонига айлансин.

— Вилоятда сиз бошқарадиган соҳада қанақа ўзгаришлар бўлишини истардингиз?

— Биргина мен эмас, балки кўпгина ҳақиқий фармацевтлар дорихоналарни меҳрли маскан бўлишини орзу қилишса керак. Аслида ҳам шундай бўлмоғи лозим. Ҳозирги кунда кўпчилик дорихона очяпти. Яна шуниси ачинарлики, айрим дорихоналарда фармацевт маълумоти бўлмаган кишилар савдо-сотиқ билан шуғулланади. Мен дорихоналарда ҳақиқий мутахассислар бўлишини истайман. Модомики шундай экан, дорихоначи тижоратчи эмас, балки катта масъулиятни бўйнига олган меҳр-шафқат соҳиби, жонкуяр, самимий инсон бўлмоғи керак. Бу гапим билан хусусий дорихоналарга қарши эмасман. Бироқ мулк шаклидан қатъи назар дори-дармонлар савдоси билан фақат фармацевтларгина шуғулланиши керак.

— Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш, айниқса, бугунги кунда долзарб мавзу. Кейинги йилларда ҳатто бирлашманинг имкониятлари бу борада чегараланиб қолганди...

— Ўтган йилнинг май ойида бошқарув раиси этиб сайландим. Акциядорлик бирлашмасининг катта миқдордаги қарзи бор экан. Хўш, нима қилмоқ керак? Вилоятда биринчи хусусий дорихонани ташкил этиб орттирган тажрибаларим қўл келди. Четдан сифатли дорилар келтириб, вилоятдаги кўпгина дорихоналарга тарқатдик. Ишлаб чиқаришга зўр бердик. Шу бугунги кунда 40 турдаги ҳар хил дориларни тайёрлаяпмиз. Дорилар дорихона ва шифохоналар орқали одамларга етиб боряпти. Унинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти катта. Масалан, 10 граммлик аналгин уколи четдан келтириб сотаётган дорихоналарда 400 сўмга яқин, бизда эса таннархи 120 сўм.

Сентябрь ойидан ахборотчи-провизор штатини Қарши шаҳридаги 1-дорихонада очдик. Аввало ахборотчи-провизор ким? Ахборотчи-провизорнинг вазифаси — мулк шаклидан қатъи назар, қайси дорихонада қанақа дорилар бор эканлиги хусусида аввало тиббиёт ходимларига, кейин эса аҳолига маълумот беради. Шу тариқа аҳоли қайси дори-дармонни қайси дорихонадан олиш мумкинлигини 5-46-51 рақамли телефонга қўнғироқ қилиб, билиб олишлари мумкин.

Кейин врач ҳам беморга фалон дори фалон дорихонада бор, дея ўз тавсиясини билдиради. Бунинг афзаллиги ортиқча оворагарчиликка ўрин қолмайди.

— Қанчалик гап-сўз бўлмасин, мумкин бўлмаган жойда соҳага алоқаси йўқ кишиларнинг дори-дармон савдоси билан шуғулланиши давом этаяпти. Бу, айниқса, бозорлар яқинида ва аҳоли гавжум жойларда кўзга ташланмоқда...

— Юқорида айтганимдек, дори-дармон савдоси билан фармацевт бўлмаган кишилар шуғулланишига мен мутлақо қаршиман. Ахир ҳамиша бир хил ҳароратда ёки музхоналарда сақланиши лозим бўлган дорилар бор. Бу талаб ва қоидалардан ташқари сақланган дорилар турган гапки, беморга аксинча таъсир кўрсатиши мумкин.

— Қишлоқ жойларида дорихоналарни ташкил этиш ҳануз муаммога айланмоқда. Дейлик, чекка бир қишлоқда яшайдиганлар ҳатто арзимаган бир дори учун туман марказига, кўпинча вилоят марказига боришга мажбур бўлмоқдалар...

— Фикрингиз тўғри. Қишлоқларда жойлашган 74 та дорихона касса аппарати бўлмагани боис ёпилган экан. Ҳозирча шуларнинг 11 тасини очишга муваффақ бўлдик.

— Хорижлик шу соҳа ходимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкинми?

— Албатта. Ҳозир квота олиш учун ҳаракат қиляпмиз. Бу ҳаракатларимиз зое кетмаса, конвертацияга эришамиз. Шундан сўнг, жаҳоннинг энг илғор дори тайёрлайдиган муассасалари билан алоқа қила бошлаймиз.

■ **Суҳбатдош: Илҳом КАРОМОВ**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ишлаб чиқарувчи, таъминотчи ташкилотлар, фирмалар ва тадбиркорлар

ДИҚҚАТИГА!

Андижон вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўлими 2001 йилда қуриладиган ва таъмирланадиган касб-ҳунар коллежлари ва бошқа иншоотлар қурилишига асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш учун

ТЕНДЕР ЭЪЛОН КИЛАДИ

№	Материаллар ва жиҳозлар	Тури ва русуми	Ўлчов бирилги	Сони
	ЭЛЕКТР ЖИҲОЗЛАРИ			
1	Лампа	Б220-100	дона	2916
2	Лампа	Б220-150	дона	600
3	Лампа	Б220-25	дона	720
4	Лампа	Б220-60	дона	600
5	Лампа	ДРЛ-125	дона	362
6	Лампа	ДРЛ-250	дона	120
7	Лампа	КГ-500	дона	126
8	Лампа	ЛБ-20	дона	3000
9	Лампа	ЛБ-40	дона	22000
10	Светилник	НППОЗ-100-001	дона	111
11	Светилник	ПСХ-60МУЗ	дона	128
12	Светилник	НСП11-100-23У	дона	40
13	Светилник	«ФИЛИПС»	дона	496
14	Светилник	ЛПО16 1х36	дона	252
15	Светилник	ЛПО16-2х40	дона	420
16	Светилник	ЛПО33 2х36	дона	2052
17	Светилник	ЛПО21-2х40	дона	8000
18	Светилник	ЛПО21-4х20	дона	198
19	Светилник	ЛПО02х4х40	дона	54
20	Светилник	МАЯК-01-125	дона	77
21	Светилник	НБО 06х60	дона	26
22	Светилник	НКУ01-200	дона	12
23	Светилник	НПО006х60	дона	194
24	Светилник	НПО02-100	дона	760
25	Светилник	НПЮ20-100	дона	18
26	Светилник	НПП01х100	дона	197
27	Светилник	НПП05-100	дона	27
28	Светилник	НСО11х100	дона	650
29	Светилник	НСП01х100	дона	59
30	Светилник	НСП02-100	дона	18
31	Светилник	НСП09х200	дона	128
32	Светилник	НСП11х100	дона	180
33	Светилник	ПВЛМ 2х40	дона	412
34	Светилник	ПКН-500	дона	86
35	Светилник	РВО-42	дона	13
36	Светилник	РКУ01-250	дона	120
37	Светилник	РКУ01-125	дона	362
38	Светилник	СУВ М2х0,5	дона	200
39	Светилник	НБО11х100	дона	439
40	Светилник	Н4БН-150	дона	14
41	Светилник	ПСХ-60М	дона	218
42	Светилник	НППО-100	дона	41
43	Стартер	СК-220/127	дона	3000
44	Стартер	СК-220/80	дона	22000
45	Автомат	АП-50-2М	дона	47
46	Автомат	АП-50-3М	дона	73
47	Кнопка	ПКЕ-212-2	дона	185
48	Магнит пускатели	ПМЛ-111002	дона	28
49	Магнит пускатели	ПМЛ-112002	дона	18
50	Магнит пускатели	ПМЛ-212002	дона	19
51	Магнит пускатели	ПМЛ-12002	дона	31
52	Магнит пускатели	ПМЛ-31102	дона	29
53	Магнит пускатели	ПМЛ-122002	дона	47
54	Магнит пускатели	ПМЛ-222002	дона	12
55	Шкаф	КРУН-к-59 КРН-ПП-10	дона	6
56	Трансформатор подстанцияси	2ГКТП-400	тўплам	3
57	Трансформатор подстанцияси	2ГКТП-250	тўплам	2
58	Трансформатор подстанцияси	2ГКТП-6-250	тўплам	1
59	Электр шкафи	ВРУ-1-11-10	дона	18
60	Электр шкафи	ВРУ-1-13-20	дона	8
61	Электр шкафи	ПР-8501	дона	147
62	Ёритиш қутиси	ОЩВ-6	дона	87
63	Ёритиш қутиси	ОЩВ-12	дона	137
64	Уловчи муфта	МС-10-110	дона	10
65	Уловчи муфта	МС-10-99	дона	8
66	Муфта (консев.)	КМ-10-3	дона	24
67	Безакли выключатель (скр. декорат.)		дона	2500
68	Безакли выключатель (скр. декорат. сдв.)		дона	1550
69	Розетка (скр. декорат.)		дона	3550
70	Розетка (с заземл. контактом)		дона	670
	КАБЕЛЬ ЎТКАЗГИЧЛИ ЖИҲОЗЛАР			
1	Кабель	ААБГ-10-3х95	км	2
2	Кабель	АВВГ 2х2,5	км	27,585
3	Кабель	АВВГ 2х4	км	8,47
4	Кабель	АВВГ 2х6	км	0,185
5	Кабель	АВВГ 2х10	км	0,91
6	Кабель	АВВГ 3х10+1х6	км	10
7	Кабель	АВВГ 3х16+1х10	км	3,1
8	Кабель	АВВГ 3х2,5	км	3,975
9	Кабель	АВВГ 3х25+1х16	км	2,801
10	Кабель	АВВГ 3х35+1х16	км	0,87
11	Кабель	АВВГ 3х50+1х25	км	1,5
12	Кабель	АВВГ 3х70+1х35	км	3,486
13	Кабель	АВВГ 3х4	км	1,28
14	Кабель	АВВГ 3х4+1х2,5	км	5,378
15	Кабель	АВВГ 3х6+1х4	км	5,31
16	Кабель	АВВГ 3х95+1х50	км	6,56
17	Кабель	АВВГ 3х120+1х70	км	1,2
18	Кабель	АВВГ 3х150+1х95	км	0,865
19	Кабель	АВВГ 3х185+1х95	км	1,5
20	Кабель	АВВГ 4х2,5	км	2,1
21	Кабель	КВВГ 4х1	км	0,03
22	Кабель	КПГ 4х2,5	км	0,07
23	Кабель	АСБ-10 3х35	км	1,5
24	Кабель	АСБ-10 3х70	км	2,5
25	Кабель	АСБ-10 3х240	км	0,5
26	Кабель	ВВГ 2х2,5	км	2,5
27	Кабель	АКВВГ 14х2,5	км	0,24
28	Кабель	АКВВГ 4х1,5	км	0,7
29	Провод	АПВ 1х16	км	22,2
30	Провод	АПВ 1х25	км	8,597
31	Провод	АПВ 1х4	км	75
32	Провод	АПВ 1х6	км	55,6
33	Провод	АПВ 1х2,5	км	130,049
34	Провод	АПВ 1х35	км	4,08
35	Провод	АПВ 1х10	км	18,8
36	Провод	АПВ 1х50	км	3,375
37	Провод	АПВ 1х70	км	0,3
38	Провод	АПВ 1х95	км	0,1
39	Провод	АППВ 2х2,5	км	355,43
40	Провод	АППВ 2х4	км	25,09
41	Провод	АППВ 3х2,5	км	126,518
42	Провод	АППВ 3х4	км	46,28
43	Провод	ПРКП 1х2,5	км	0,49
44	Провод	АС-35	км	5,25
45	Провод	АС-120	км	0,12
46	Провод	АС-70	км	38,7
	ТЕЛЕФОНЛАШТИРИШ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ЖИҲОЗЛАРИ			
1	Телефон ва радио кабеллари	ТПП-10х2х0,5	км	7,273
2	Телефон ва радио кабеллари	ТПП-20х2х0,5	км	6,165
3	Телефон ва радио кабеллари	ТПП-30х2х0,5	км	2,45
4	Телефон ва радио кабеллари	ТПП-50х2х0,5	км	0,03
5	Провод	ТРП-1х2х0,5	км	48,729
6	Провод	ТРППМ-2х1,8	км	6,977
7	Провод	ПТПЖ-2х1,8	км	3,14
8	Провод	ПТПЖ-2х1,2	км	15,436
9	Провод	ПВ-1,0	км	0,09
10	Провод	ППВ-2х2,5	км	2,001
11	Провод	ПЭЛ-0,2	км	1,26
12	Провод	ПВЗ-2х0,5	км	0,46
13	Провод	НВ-1	км	0,486
14	Провод	ПСБНП-3ММ	км	9,092
15	Экранли кабель	МРМПЭ-2х1,5	км	1,072
16	Микрофон кабели	КММ-2	км	0,25
17	Экранли кабель	МРМПЭ-2х1,8	км	0,484
18	Провод	ПВЖ-1,8	км	0,195
19	Кабель	РК-75-2х0,5	км	2,06
20	Кабель	ТМПЭП-1х2х0,5	км	0,29
21	Кабель (Телевизион.)	РК-76-9х15	км	5,885
22	Кабель (Телевизион.)	РК-75-9-12	км	3,794
23	Кабель	ПРППМ-2х1,5	км	0,075
24	Провод	ПТП-2х1,5	км	0,16
25	Провод	ПТП-2х1,2	км	1,3
26	Провод	ПВ-4	км	0,43
27	Кабель	ПРВПМ-2х1,5	км	0,39
28	Кабель	ИРМПЭ-2х1,5	км	0,04
29	Кабель	ПРППМ-2х1,2	км	3,682
30	Кабель	ТМЦЕП-10х2х0,5	км	0,215
31	Провод	ПРППМ-2х1,0	км	2,565
32	Провод	ТРВ-1х2х0,75	км	2,2
33	Извещатель	ИПР	дона	20
34	Выпрямитель	УЭН-65-24В	дона	4
35	Электр қўнғироғи	МЗ-1	дона	41
36	40 йўналишли концентратор	ППС-4	дона	3
37	Извещатель датчик	ДЧП-3	дона	64
38	Выпрямитель	ВБ-24/3	дона	7
39	Телефон аппарати	ТА-65	дона	6
40	Овоз кучайтиргич (100 Вт)	И-101	дона	5
41	Радиопрёмник	ИШИН	дона	12
42	Электропроигрыватель	ВЕГА	дона	6
43	Магнитафон	ЮПИТЕР	дона	7
44	Абонент трансформатор	ТАМУ-25С	дона	7
45	Радиоприёмник	СИБИР ЯК-303	дона	211
46	Радиоприёмник	ГА-15	дона	107
47	20 йўналишли концентратор	ППС-4	дона	4
48	Прибор	Сигнал-37	дона	6
49	Датчик	ИП-105-2/1	дона	1851
50	Датчик	ДИП-3	дона	646
51	Датчик	ДИК-3	дона	32
52	Датчик	ДИМА	дона	395
53	Микрофон	МЛ-19	дона	14
54	Колонка	15К31	дона	44
55	Телефон аппарати	ТА-900	дона	76
56	Телефон аппарати	ТА-68	дона	10
57	Овоз кучайтиргич (100 Вт)	СТЕПЬ-103	дона	56
58	Оператив алоқа пулти	ПСКОВ-10	дона	3
59	Антенна	АТКГ	дона	26
60	Антенна	МТА	дона	1
61	Телефон аппарти	ТА-65	дона	6
62	Датчик	СМК-3	дона	218
63	Телефон аппарати (сист. АТС)	ТАИ-70	дона	21
64	Телефон аппарати	МБ ТА-72М	дона	18
65	Телефон аппарати (50 боғламли)	КАЛИНКА	дона	2
66	Громкоговоритель	ОБЬ-301	дона	452
67	Прибор (приемно-контрольный)	ГАММА-20М1	дона	4
68	Прибор (приемно-контрольный)	ППКОП-Э1 РАВШАН	дона	1
69	Прибор (приемно-контрольный)	ПРИМА-А	дона	24
70	Прибор (приемно-контрольный)	ООП-01 РАВШАН	дона	25
71	Прибор (приемно-контрольный)	ФОТОН-4	дона	73
72	Провод	ПМПЭВ 2х0,5	км	0,24
	ТРУБО ЗАПОР АРМАТУРАЛАР			
1	Вентиль	Д-15 мм	дона	988
2	Вентиль	Д-20 мм	дона	438
3	Вентиль	Д-32 мм	дона	296
4	Вентиль	Д-40 мм	дона	112
5	Вентиль	Д-50 мм	дона	48
6	Вентиль	Д-25 мм	дона	260
7	Сув ўлчагич	ВТ-80	дона	1
8	Сув ўлчагич	ВСКМГ-90	дона	4
9	Сув ўлчагич	СКНТ-90Д-50 мм	дона	2
10	Сув ўлчагич	ВСГ-50	дона	8
11	Сув ўлчагич (иссиқ сув учун)	ВСКМГ-25	дона	8
12	Сув ўлчагич	мм1, мм1,2 Д-50	дона	9
13	Сув ўлчагич	ВТГ-50	дона	6
14	Ўт ўчириш асбоби	ГР-50	дона	125
15	Задвижка	Д-40 мм	дона	1
16	Задвижка	Д-60 мм	дона	107
17	Задвижка	Д-70 мм	дона	4
18	Задвижка	Д-80 мм	дона	87
19	Задвижка	Д-100 мм	дона	45
20	Задвижка (чўянли)	Д-100 электр бошқарувли	дона	4
21	Задвижка	Д-150 мм	дона	2
22	Задвижка	Д-200 мм	дона	6
	ИСИТИШ ВА ВЕНТИЛЯЦИЯ ЖИҲОЗЛАРИ			
1	Калориферлар	КВБ6-П-01	дона	4
2	Калориферлар	КВС9А-П	дона	23
3	Калориферлар	КСК3-10-02А	дона	2
4	Калориферлар	КСК3-11-02А	дона	2
5	Калориферлар	КСК3-6-02А	дона	2
6	Калориферлар	КСК3-9-02А	дона	7
7	Клапан	25ч940НЖ Д-50 мм	дона	1
8	Клапан	25ч940НЖ Д-32 мм	дона	1
9	Клапан	15Б1БК Д-20 мм	дона	4
10	Клапан	15 кч19п2 Д-40	дона	8
11	Клапан	15кч19п2 Д-32 мм	дона	4
12	Клапан	19ч21БР Д-100 мм	дона	6
13	Клапан	КОГ5 Д-1000 мм	дона	12
14	Клапан	19ч21БР Д-50 мм	дона	6
15	Клапан	КПС-0,7-550	дона	2
16	Конвекторлар (пўлатли)		КВТ	1392,47
17	Кран	уч йўналишли	дона	38
18	Кран	Д-15мм	дона	27
19	Кран	КВ-15д	дона	66
20	Кран	СТД 7073	дона	1129
21	Кран	КРДП-15 Д-15 мм	дона	242
22	Кран	КРДП-20 Латунные Д-20 мм	дона	80
23	Кран (фланцли)	Д-40 мм	дона	6
24	Монометр	МП-4-5	дона	6
25	Монометр	ОБМ-100	тўплам	64
	НАСОСЛАР			
1	Насос	ГНОМ-16-15	дона	1
2	4АМ 160S2 эл.двигателли насос	К80-50-200-СД	дона	8
3	Насос	ГНОМ-10/10	дона	1
	САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИ			
1	Писсуарлар (фарфорли)		дона	51
2	Душ поддани		тўплам	92
3	Чўян радиаторлар		КВТ	2327,78
4	Раковиналар (эмалли)		дона	80
5	Иситиш регистри		1 м.нит	117
6	Ўт ўчириш мосламаси	Д-51 мм	М	470
7	Чўян трап	Т-100 м	тўплам	43
8	Чўян трап (эмалли)	Т-50	тўплам	127
9	Фланцлар /Гост 12821-80/	Д-15 мм	тўплам	10
10	Фланцлар /Гост 12821-80/	Д-20 мм	тўплам	8
11	Фланцлар /Гост 12821-80/	Д-25 мм	тўплам	24
12	Фланцлар /Гост 12821-80/	Д-40	тўплам	84
13	Пўлат фланцлар	Д-32 мм	дона	15
14	Пўлат фланцлар	Д-100 мм	дона	112
15	Пўлат фланцлар	Д-150 мм	дона	2
16	Пўлат фланцлар	Д-50 мм	дона	136
17	Пўлат фланцлар	Д-80 мм	дона	254
	ВЕНТИЛЯЦИЯ ЖИҲОЗЛАРИ			
1	Вентилятор	(АИСИ-4)	дона	259
2	Вентилятор	ВКР5.045.6	дона	1
3	Вентилятор	ВЦ4.75N2,5	дона	3
4	Вентилятор	ВЦ4-75 N 3,15	дона	4
5	Вентилятор	ВЦ4-75 N3,15	дона	1
6	Вентилятор	ВЦ4-75N4	дона	1
7	Вентилятор(кр.)	ВКР400.25.6	дона	2
8	Вентилятор	ВКР4025.6	дона	1
9	Ойна вентилятори	ВО-10У2	дона	25
10	Вентилятор	ВЦ4-75 N5	дона	3
11	Вентилятор	ВЦ4-76 N6,3	дона	2
12	Вентилятор	В-Ц4-76:N5В1	тўплам	35
13	Вентилятор	В-Ц4-76:N 6,3В1	тўплам	2
14	Вентилятор	В-Ц14-46:N2,75Л	тўплам	5
15	Вентилятор	В-Ц14-46:N3,15Л	тўплам	2
16	Вентилятор	В-Ц4-75: N6,3	тўплам	6
	САВДО ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИ			
1	Савдо қатори	ЛС	тўплам	6
2	Электр плитаси	ПЭ-051/ПСМ	тўплам	12
3	Электр котел	КПЭ-60	тўплам	4
4	Электр котел	КПЭ-100	тўплам	8
5	Электр кипятелниги	КНЭ-50	тўплам	6
6	Электр кипятелниги	КНЭ-100	тўплам	4
7	Махсус шкаф	ШЭЭ-085	тўплам	6
8	Махсус шкаф	ШПСМ-3	тўплам	6
9	Универсаль привод.	П-2	тўплам	6
10	Хамир қориш машинаси	ТММ-1	тўплам	6
11	Картошка тозалаш машинаси	МОК-125	тўплам	2
12	Картошка тозалаш машинаси	МОК-250	тўплам	4
13	Нон майдаловчи машина	МХР-200	тўплам	6
14	Гўшт қиймалагич	МИМ-250	тўплам	6
15	Музхона	ШХ-0,56	тўплам	5
16	Музхона	ШХ-0,8	тўплам	6
17	Музлатув хонаси (камера)	КХС-2-6	тўплам	6
18	Ванна	ВМСМ-1	тўплам	48
19	Ишлаб чиқариш столи	СПСМ	тўплам	64
20	Стеллаж	СПП	тўплам	32
21	Раста (музлатгичли)	ТАИР-106	тўплам	11
22	Тарози		тўплам	6
23	Касса аппарати		тўплам	11
	ШИФОКОРЛИК ЖИҲОЗЛАРИ			
1	Термометр		дона	180
2	Гинекологик ойна		дона	60
3	Акушерлик стетоскопи		дона	18
4	Турли қайчилар		дона	60
5	Скальпель		дона	60
6	Зажим		дона	60
7	Пинцет		дона	60
8	Кўп мартали шприцлар		дона	600
9	Языкодержатель		дона	12
10	Шпатель		дона	60
11	Ипли шина		дона	6
12	Шина транспорт.		дона	12
13	Сув иситгич (тиббий)		дона	30
14	Штатив ШДВ		дона	60
15	Штатив (пробиркалар учун)		дона	12
16	Санитар замбиллари		дона	6
17	Тиббиёт тоғораси		дона	120
18	Ўлчов асбоби		дона	6
19	Гидропульт		дона	6
20	Бикслар		дона	60
21	Акушерлик хизмати тўплами		дона	6
22	Фельдшер учун тўплам		дона	6
23	Бўй ўлчагич		дона	6
24	Асбоблар столи		дона	12
25	Фонендоскопли танометр		дона	60
26	Бактерицидли мослама	ОБН-150	дона	60

Тендерда қатнашмоқчи бўлган ташкилотлар ва фирмалар керакли маълумотларни Андижон вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бўлимидан қуйидаги манзилда олишлари мумкин:

Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 45-уй. Телефон: 25-25-61.

ШОИР «САЙЛАНМА»СИ

Катта ижодкорнинг саралланган кўп жилдлик асарлари тўпламини нашр этилиши маънавий ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Китоб жавонларимизни тўлдириб турган Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Зулфияларнинг танланган асарлари ёки тўла асарлар тўпламлари бўлмасин — буларнинг бари муайян бир ижодкорнинг бадиий оламига яхлит назар ташлашда қўл келади, авлодларни ўзаро боғлашда маънавий кўприк вазифасини ўтайди.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг тўрт жилдлик «Танланган асарлар»ининг дастлабки жилдини чоп этди.

Шоирнинг 1980 йилгача ёзган шеърлар ва достонларини ўз ичига олган биринчи жилди 10 минг нусхада босмадан чиқди. Тўплам шоирнинг «Кўрган-билганларим» деб аталган таржимаи ҳоли билан очилади. Унда шоир туғилиб ўсган маскани, боболари, ота-онаси, жигарларию Умур шоир аталмиш бахшининг достонларини кўплаб тинглагани, мумтоз адабиётни яхши билгувчи саводхон буви Биби момодан «катталиги сандалдек келадиган» китобдан — «Навоий — китоб»дан Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунларни эшитиб, қалби шеър сеҳрига ошуфта бўлганлиги ҳақида ёзади, шеърият бўстонига қўйган илк қадамларини хотирлайди, устозларини эслайди.

Шоирнинг бадиий ижод, хусусан, шеърият ҳақидаги қуйидаги фикрлари ибратлидир: «Узоқ йиллик ижодий тажрибамдан хулоса шулки, ижодкор истеъдодининг даражасидан қатъи назар, иложи борича ўзини ёлғон-яшиқдан олиб қочсин. Иложи борича, катта ва кичик ҳақиқатларни бир-биридан фарқлай олсин, яъни ҳар доим ҳам ўзининг шахсий кечинмаларини бутун бир халқнинг кечинмалари деб эълон қилишдан ўзини тийсин. Аксинча, халқ дардини ўзининг шахсияти «фильтр»идан ўтказа билсин. Ўзининг шахсий дардини халқники деб эмас, балки халқнинг дардини ўзиники деб билсин».

Ўзининг оташин шеърияти билан ўзбек адабиётига янгича нафас, янгича руҳ олиб кирган Абдулла Орипов шеъриятидаги теран фалсафийлик, шарқона донишмандлик, Ватаннинг ўтмиши ва бугунги тақдири, халқ қисмати ва келажаги учун бир комил фуқароларча куюнчаклиги, ҳаётдаги салбий кўринишларга муросасизлиги шеърият мухлислари диққатини ўзига оҳанграбодек тортиб келади.



КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

«Давр ижодкорга мавзулар, туйғулар бериши мумкин, лекин ҳамма гап бу ниятни қай тахлитда ифодалай билишда, рўёбга чиқаришда. Абдулла Ориповнинг санъаткор-ижодкор сифатидаги маҳорати шундаки, — деб ёзади «Шеъриятимиз юлдузи» деб номланган сўнгсўз муаллифи, адабиётшунос олим Дониёр Бегимқулов, — лирик бир шеър доирасида умумаҳамиятли муаммони ўқ марказга олиб чиқиб, ўз поэтик ниятини реал борлиқнинг инъикоси бўлган фикрлар ва ҳиссиётуйғулар орқали жамият ва алоҳида олинган бир шахс оламининг ҳаққоний манзараси ва сийратини, шарҳи ва таҳлилини сатрларга сингдира олади».

Дарҳақиқат, Абдулла Ориповнинг шеърий услубида фалсафий-лирик йўналиш устунлик қилади. Шоирнинг кўпчилик шеърларида ҳатто оддий гапдек туюлган ҳар бир сўз, тиниш белгиси ҳам муҳим ўрин тутади. Шоирнинг эҳтиросли, зиддиятли ўй-фикрлар асосига қурилган шеърияти шеърхоннинг қалбидан чуқур ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Янги босмадан чиққан «Танланган асарлар»нинг биринчи жилдига муаллифнинг ҳали ўқувчиларга таниш бўлмаган янги шеърлари ҳам киритилган.

■ **Назира ЖЎРАЕВА,**
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг бош муҳаррири

ГЕОЛОГ ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҚАБРИ ЁНИДА

Айт, нелар изладинг ернинг остидан,
Кукунни кўзингга айлаб тўтиё.
Темир панжаралар қабринг пастида,
Сенинг излаганинг ўшамиди ё?!
Нима ахтаргандинг ернинг остидан,
Тошлар меҳварига ёзганмидинг байт.
Қабринг тепасида мармар обида,
Сенинг ахтарганинг ўшамиди, айт!
Нечун сен жимжитсан, эй улуғ инсон,
Жавоб ё сен учун бир жабрмиди?
Нима ахтаргандинг, эй нури жаҳон,
Ёки ахтарганинг шу қабрмиди?!

1964.

ГАЗЕТА СОТУВЧИ

Одамлар қайнайди гавжум кўчада,
Ҳар ким югуради қайгадир доим,
Фақат чорраҳада — тахта уйчада
Газета сотувчи ўтирар қоим.
— Қани, хўш бародар, нима гап яна?
Яна қовоқ солиқ, тушиб кетган лаб?
Газетани имлаб тўнғиллар: — Мана,
Кубанинг устида яна ҳар хил гап.
Дунёнинг туриши чап ёнбош бугун,
БМТ Вьетнамга қилибди фириб.
Худди ўз уйини сув босгандай, сўнг —
Ҳиндистон селидан кетар гапириб.
Дейлик, кунлар ўтиб келганида гал,
Унда учратасиз очиқ чеҳрани:
Врач эмасмисиз?
— Нимайди?
— Ошнам,
Маошинг ошибди, қўлни бер, қани...
Шу рангин оламга тахта уйчадан
Туну кун термулар кутгандай дийдор.
Одамлар бепарво ўтар кўчадан,
У-чи, ўшаларни ўйлайди бедор.

1965.

БАҲОР

Баҳор келди гул сепин ёйиб,
Тенгсиз чирой касб этди ўлка.
Гул баҳорнинг нурли жилваси
Сўнгсиз севинч бахш этди қалбга.
Қир, адирда кўк майса — гилам,
Бутоқларда жилмаяр куртак.
Яна келди эркатой кўклам
Ёшликдай шўх, нурдай югурак.
Тошдан тошга тўш уриб шошар —
Қаёққадир зилол шалола.
Қандай гўзал баҳор туҳфаси!
Адирларда қирмизи — лола.
Гул баҳорнинг мафтуни бўлиб
Сахий қуёш сочар заррин нур.
Баҳор! Дилни ром этди ўзга,
Жилвасида ёшлик ҳам гурур.
Баҳор, баҳор, о гўзал баҳор!
Ёшлик каби дилга яқинсан.
Юрагимга шеър бўлиб кирган —
Шодлик, илҳом, завққа тўкинсан.

1959.

СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ

«ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИ»

Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВ — моҳир боксчи, Олимпия ва Осиё ўйинлари ғолиби, жаҳон ва Осиё чемпиони

«ЭНГ КУЧЛИ СПОРТЧИЛАР»

Миржалол ҚОСИМОВ — моҳир тўпурар, Ўзбекистон терма жамоаси сардори

Ирода ТЎЛАГАНОВА — теннис юлдузи

Артур ГРИГОРЬЯН — профессионал боксчи, 13 карра жаҳон чемпиони

«ЭНГ ЯХШИ СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ»

Ўзбекистон каратэ миллий федерациясига аъзо бўлган абжир ўғлонларимиз дунёнинг турли бурчакларида қисқа даврда шон-шуҳрат қозондилар.

«ЭНГ БУЮК СПОРТЧИЛАР»

Ирина ва Татьяна ПРЕССлар —енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионлари

Камон отиш бўйича кўпкарра жаҳон чемпионлари Ольга РОГОВА билан Наталья БУТУЗОВА

Моҳир тўпурарлар — Биродар АБДУРАИМОВ билан Геннадий КРАСНИЦКИЙ

АСР ЮЛДУЗЛАРИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ўтган асрнинг энг кучли ва энг яхши спортчиларини ҳамда 2000 йилда назарга тушган моҳир йигит-қизлар номини эълон қилди. Хусусан, ўтган йилнинг «Энг яхши спортчиси» ҳамда «Энг кучли спортчилари» номлари маълум бўлди. XX асрнинг «Энг буюк спортчилари» номини олганлар ҳам сараланди. Улар спортнинг 20 дан ортиқ тури бўйича «Аср юлдузлари» номини олишди. Шунингдек, «Йилнинг энг иқтидорли ёш спортчилари», «Энг яхши спорт жамоалари», «Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича энг яхши жамоа», «Энг яхши жисмоний тарбия спорт ташкилотлари», «Энг яхши спорт федерациялари», «Энг яхши спортчилар оиласи» ва бошқа шунга ўхшаш Ўзбекистон спорти равнақига ўзларининг муносиб улушларини қўшганларнинг муваффақиятлари ҳам ўзига хос эътироф этилди. Шу муносабат билан спорт шарҳловчиси Ҳайдар Носировнинг архивида осориатиқа сифатида сақланаётган бир туркум суратларни эълон қилишни лозим топдик. Бугун мухлислар ўз даврининг моҳирлари бўлган йигит-қизларнинг сиймолари билан яна бир бор танишадилар.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат РИСҚИЕВ афсонавий Муҳаммад АЛИ билан

Марина ШМОНИНА — енгил атлетика бўйича Олимпия чемпиони

Лина ЧЕРЯЗОВА — фристайлчи, Олимпия ва жаҳон чемпиони

Эльвира САДИ — гимнастикачи, Олимпия ўйинлари чемпиони

Собир РЎЗИЕВ — қиличбоз, жаҳон чемпиони

«Пахтакор-79» футбол жамоаси

Уларнинг чеҳрасига бир назар солинг. Ҳар бири бир олам. Баскетболчи Равила Салимовани ким танимайди дейсиз. Курашчи Рустам Казаков, волейболчи Вера Дюнова, ватерполчи Эркин Шагаев, эркин курашчи Арсен Фадзаев, велопойгачи Александр Панфилов, мерган Рустам Ямбулатов, чавандоз Юрий Ковшовлар номини мухлислар ҳурмат билан тилга оладилар.

БЕҒУБОР ҚАЛБ



УКАМГА

Ўйнаб юрган ҳой бола,
Гўё сен бир шалола.
Нега бунча ўйнайсан,
Ўйинга ҳеч тўймайсан.

Уйга кириб дарсингни,
Тайёрлагин қунт билан.
Дунё илмин билганлар,
Яшайдилар завқ билан.

Эрта билан барвақт тур,
Сабоғингдан кеч қолма.
Умринг бекор ўтказиб,
Сўнгра пушаймон бўлма.

Мактаб — бу бир кенг дарё,
Унда тўлиб илм оқар.
Илмдан тўйиб ичсанг,
Бахт сенга кулиб боқар.

УСТОЗЛАРИМГА

Билмам ўнгу сўлимни,
Оллоҳ берсин йўлимни,
Ушланг менинг қўлимни,
Мен сизни Устоз дедим.

Билмаганим билдиринг,
Ҳалол меҳнат қилдиринг,
Кўнглим завққа тўлдиринг,
Мен сизни Устоз дедим.

Дунё сирин ўргатинг,
Кимлигимни эслатинг,
Тўғри йўлни кўрсатинг,
Мен сизни Устоз дедим.

Меҳри дарёдек оққан,
Ҳаммамизга тенг боққан,
Юракларга ўт ёққан
Мен сизни Устоз дедим.

Дунё доим тинч турсин,
Дўстларим ўйнаб юрсин,
Устозлар омон бўлсин,
Мен сизни Устоз дедим.

■ **Гавҳар ҲАМРОҚУЛОВА,**
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 12-мактабнинг 9-«А» синф ўқувчиси

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.45
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«BEKTEMIR TEMIR-BETON MAHSULOTLARI»

очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси акциядорлари диққатига!

Акциядорларнинг жамият молия-хўжалик фаолиятининг 2000 йилдаги якунларига бағишланган навбатдаги умумий йиғилиши 2001 йилнинг 14 март куни соат 11.00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамият молия-хўжалик фаолиятининг 2000 йилдаги якунлари бўйича бош директор ҳисоботи;
2. Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида;
3. Молия-хўжалик фаолияти бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш тўғрисида;
4. 2000 йил якунлари бўйича жамият эришган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида;
5. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида;
6. Жамият Уставига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида;
7. 2001 йилдаги аудиторни тасдиқлаш тўғрисида;
8. 2001 йилдаги Бизнес режасини тасдиқлаш тўғрисида.

Йиллик умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг рўйхати 2001 йилнинг 6 февраль ҳолатига кўра тузилган.

«Bektemir temir-beton mahsulotlari»

очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси 2000 йил бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари кўрсаткичлари

Бухгалтерия баланси	минг
Кўрсаткичлар номи	сўм
Актив:	
Узоқ муддатли активлар	59783
Оборот активлари	78442
Жами баланс актив бўйича	138225
Пассив:	
Узлик маблағларининг манбалари	90335
Мажбуриятлар	47890
Жами баланс пассив бўйича	138225

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот	минг
Кўрсаткичлар номи	сўм
Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	290689
Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси	20208
Ҳисобот давридаги соф фойда	11281

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма ходими Б. Ю. Юсуповга волидаи муҳтарамаси

Норбиби ая ЮСУПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.